ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИГА-КЕНГ ЙЎЛ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 114 (5705).
20 МАЙ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ҳозир биз ўз вазифаларимизни кечагидан кўра аниқроқ, конкретроқ, равшанроқ биламиз...

В. Усмонхўжаев (имзоси)

Бутун мамлакатимиз шу кунларда олға томон ҳаракатимизда муҳим босқич бўлажак КПССнинг XXVII съездига тайёргарлик туйғуси билан яшамоқда. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ана шу Пленумдаги докладида муҳим вазифалар олдинга қўйилди. Бу вазифаларнинг бажарилиши меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда янги муваффақиятларга эришишимизга имкон беради.

Ўн биринчи беш йилликда талайгина ишлар амалга оширилганини тошкентликлар яхши билишади. Аммо бу чегара эмас. Қатор корхоналар мавжуд резервлар ва имкониятлардан, фан-техника тараққиётининг сўнгги ютуқларидан тўла фойдаланмаётганлиги сир эмас. Мавжуд қолоқликни енгиб ўтиш, раҳбарлар ва ишчиларнинг ижодий ташаббускорлигига дадил йўл очиб бериш лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми қарорлари бизни ана шунга сафарбар этмоқда.

Республика саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий маданият кўрсатиш соҳаларини ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш борасидаги ташаббуси меҳнат коллективларида ижодий кўтаринкликни авж олдириб юборди. Ўн саккиз нафар мусобақа пешқадами ишлаб чиқаришни янада пухта ташкил этиш, профессионал маҳоратни такомиллаштириш, илғор иш усулларини ва рационализацияни жорий этиш ҳисобига 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажаришга, Ватанимизнинг қудратини янада кучайтириш мақсадида келгуси беш йилликда муваффақиятли ишлаш учун яхши замин яратишга аҳд қилди. Ўзбекистон пойтахтининг ишлаб чиқариш илғорлари ана шу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Уларнинг мурожаати газетамизнинг бугунги сонида эълон қилинаяпти. Улар ҳам Тошкент меҳнаткашларини КПСС XXVII съездини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олишга даъват этмоқдалар.

Шонли саналарга меҳнат совғалари тайёрлаш халқимизнинг энг яхши удумидир. Газетанинг бугунги сони тошкентликларнинг КПСС XXVII съездига қандай тайёргарлик кўраётганликлари, қандай совғалар ҳозирлаётгани ҳақида ҳикоя қилади.



СУРАТДА: «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббуси издошлари. Т. Каримов фотоси.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА—27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

Республика социалистик мусобақаси ғолибларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича бошлаган ташаббусларини қўллаб-қувватлаган Тошкент шаҳрининг Фрунзе райони ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг

ОЧИҚ ХАТИ

Биз Ўзбекистон пойтахти Фрунзе районининг корхона ва ташкилотлари ишчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган «КПСС XXVII съездига — йигирма етти зарбдор ўн кунлик» шиори остида социалистик мусобақани кенг тус олдириш ташаббуси билан чиққан республика ишлаб чиқариш илғори ва новаторларининг ташаббусини қизғин қутиб олдик.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв докладидан илҳомланган барча совет халқи беш йилликни ва унинг якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш, мамлакат коммунистларининг анжуманини муносиб кутиб олиш иштиёқи билан тўлиб-тошган бир кезда мусобақа кенг тус олиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида ташкилий-иқтисодий ва социал резервларни ишга солиш зарурлиги тўғрисида айтилган сўзлар биз, ишчиларда айниқса ёрқин таассурот қолдирди. Ҳар бир корхона ва қурилишда, ҳар бир иш жойида бундай резервлар бор. Ўртоқ М. С. Горбачёв таъкидлаб ўтганидек, «Бу резервларни ҳеч ким меҳнат коллективларининг, улардаги партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг ўзларидан кўра яхшироқ билмайди. Биноборини, кўп нарса уларнинг ишга бўлган муносабатига, активлигига, ишлаб чиқаришни ўстириш, унинг самарадорлигини ошириш учун барча имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланлишидан кишиларни манфаатдор эта олиш маҳоратига боғлиқдир».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари минбарларидан туриб айтилган ҳаққоний танқидий сўзлар бизнинг қалбимизга чуқур таъсир этди. Ҳа, бизда ҳали кўпгина муаммолар бор.

Коммунистик партиямизнинг XXVII съезди 1986 йил 25 февралда ўз ишини бошлашини эшитган заҳотимизоқ биз бутун совет халқи ҳаётидаги бу шонли воқеага тайёргарлик кўришга муносиб ҳисса қўшиш ҳақида ўйлай бошладик. Шундай қарорга келдикки, ҳар бир иш жойида зарбдор меҳнат қилиш бизнинг энг яхши совғамиз бўлади.

Биз ўз Фрунзе районимизда ташаббусни ривожлантира бориб, ҳар бир зарбдор ўн кунликни асосий касблардан бирининг вакилларига бағишлашга қарор қилдик.

Мусобақани йигирувчилар бошлаб беришади. Кейин эстафетани арматурачилар, токарлар ва бирин-кетин бошқа касб эгалари — жами 27 касб эгалари давом эттиришади. Ҳар бир вахта якунига кўра ғолибларга «Ўз касбининг устаси» номи берилади.

Илғорларга тенглашиб, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириб, фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиб, маҳсулот сифатини ва миқдорини ошириш, ойнинг дастлабки кунлариданоқ бир маромда ишлашни таъминлаш ҳақида ҳозир тўқимачилик комбинати, «Промстройкомплект» бирлашмаси, «Таштекстильмаш» заводи, 1-пойафзал фабрикаси, пластмасса буюмлари заводи, абразив комбинати ва экспериментальмеханика заводи коллективларида қизғин муҳокама бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУГУН

Тошкент шаҳар партия комитетининг XI пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров «КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми якунлари ва КПСС XXVII съездига ва навбатдаги шаҳар партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик бўйича вазифалар тўғрисида» доклад қилди.

XXV Тошкент шаҳар партия конференциясини чақириш тўғрисидаги масала тингланди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

(Пленум иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетада ёритилади).

МАКТАБ ИСЛОҲОТИ АМАЛДА

18 май куни Тошкентда бўлиб ўтган республика семинарининг қатнашчилари умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни амалга оширишга оид вазифаларни муҳокама этдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан кишилар халқ маорифи ходимлари КПСС XXVII съезди арафасида янги муҳим вазифаларни ҳал этаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Республикада мактаб ислоҳоти амалга оширилаётган бир йил давомида катта ишлар қилинди. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида ўқув тарбиявий жараён, ўқитиш сифати, олий ўқув юртларида педагог кадрлар тайёрлаш яхшиланди, мактаблар ва ихтисослаштирилган ҳунар-техника билим юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Илғор педагогик тажриба, ўқитишнинг техникавий воситаларини практикага кенг жорий этиш юзасидан хилма-хил ишлар олиб борилмоқда. Мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида болаларни олти ёшдан ўқитишга тайёрлаш соҳасида ижобий тажриба тўпланди.

Шу билан бирга ёш авлодни тарбиялаш, юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлаш ишида анчагина камчиликлар борлиги айтиб ўтилди. Мактаб ислоҳотини амалга ошириш соҳасида маориф ходимларига амалий ёрдам бериш борасида қўпгина министрлик ва идоралар ишида расмиятчиликка ҳали барҳам берилмаган. Айниқса, қишлоқда педагог кадрлар қўнимсизлиги ҳоллари кўп. Қурувчилар маориф ходимлари олдида қарздор бўлиб қолмоқдалар, мактаблар, ихтисослаштирилган ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача тарбия болалар муассасаларини ишга тушириш планларини йилдан-йилга бажара олмаётирлар. Сифатли дарсликлар ва методик қўлланмалар тайёрлаш соҳасида қўпгина проблемалар ҳал этилмаган.

Семинар қатнашчилари тўпланган тажрибани ўртоқлашдилар, Тошкентдаги ўқув юртларини бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун—80 ёшда

АДАБИЁТИМИЗ ОҚСОҚОЛИ



БУГУН ТАНИҚЛИ СОВЕТ СЎЗ УСТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ МУХБИР АЪЗОСИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТИ УЙҒУНННИНГ 80 ЁШГА ТЎЛГАНЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА. СОВЕТ АДАБИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ КАТТА ХИЗМАТЛАРИ, САМАРАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ҲАМДА ТУҒИЛГАН КУНИГА САКСОН ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УЙҒУН СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ЮКСАК УНВОНИГА САЗОВОР БЎЛДИ.

УЙҒУН: «ИЛҲОМИМИЗ, ИЖОДИМИЗ—ПАРТИЯГА, ВАТАНГА!»

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу долзарб кунларда ўзбек ижодкор зиёлилари ҳам бу тарихий воқеанн жўшқин ижтимоий асарлар, янги ижодий муваффақиятлар билан пешвоз олишга камарбаста бўлиб майдонга чиқишган. Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Уйғуннинг асарлари ўзбек китобхонлари қалбига жуда яқин. Таниқли ўзбек шоирининг беназир ижоди Улуғ Октябрь социалистик революцияси зиёсидан баҳраманд бўлиб, озод Ватанимиз, меҳнаткаш халқимиз тимсолида янада кенг мазмун касб этди.

Шоирнинг муборак 80 йиллиги арафасида уни чин юракдан қутловчилар сон-саноқсиз. Дўстлардан, қардош республикалар ижодий союзларидан шоир номига табрик телеграммалари, дил сўзлари битилган мактублар келмоқда... Шу муносабат билан мухбиримиз заҳматкаш адибнинг ҳузурида бўлиб, у билан суҳбатлашди.

— Ҳурматли Уйғун ака! Энг аввал 80 ёшга тўлганингиз, Сизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилганлиги билан оқшомхонлар номидан чин дилдан табриклаймиз. Сиз учун шундай қувончли лаҳзаларда ўзбек совет адабиётининг сарчашмаларига назар ташлагим келади. Адабиёт мухлисларини Сизнинг илк ижодингиз қизиқтириши табиий...

— Менинг болалигим ҳам, ўсмирлигим ва ёшлигим ҳам суронли йилларга тўғри келган. Янги дунёнинг туғилиши, янги жамият, янги инсонлар ва янги республикалар Иттифоқининг барпо бўлиши, янги намойишлар ва янги мактабларнинг вужудга келиши— ҳамма-ҳаммасини биринчи марта кўриш бахти бизнинг авлодга муяссар бўлди. Янги мактабларнинг биринчи ўқувчилари ҳам биз эдик. Биринчи пионерлар ҳам бизлар бўлдик. Мактабда тўрт синфни битирганда кейин 20-йилларнинг бошларида Тошкентга келдим. Бу ердаги Тошкент музофот таълим-тарбия техникумини ўқиб битирдим. Кейин мактабда дарс бердим. Ўқиб юрган кезларимдаёқ кўнглимда алланечук туйғулар жўш ураётганини сезган эдим. Ҳар тугул машқ ҳам қилиб турганман. Биринчи шеърим 1925 йилда «Ер юзи» журналида «Кўнглим» номи билан босилиб чиққан.

Биринчи шеърий тўпламим «Баҳор севинчлари» менга бир дунё севинч келтирди. Бу мажмуадан кейин мен ўзимни бутун умр адабиётга, шеъриятга масъулиятимни англаб етганман. Бу пайтга келиб янги ўзбек совет адабиёти шаклланмоқда эди. Социалистик реализм принципларига асосланиб вужудга келаётган бу адабиётнинг Комил Яшин, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон сингари йирик намояндалари ижодий парвозлари шиддатли ва бунёдкорлик суронларига қоришиб кетган ўша сермазмун кундалардан бошланган. «Иккинчи китоб» шеърий тўпламим 1933 йилда босилиб чиқди. Бу шеърларда мен ўзим яшаётган давр ва замон руҳини беришга ҳаракат қилганман.

— Улуғ Ватан урушн йилларидаги ижодий фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Улуғ Ватан урушн бошланганда ўзбек совет ижодий

(Давоми 4-бетда).

КОММУНИСТ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ ҲАҚИДА ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ

СЪЕЗДОЛДИ ЖАНГОВАРЛИК КЎРИГИ

КПСС XXVII съездини чақириш муддатини, унинг кун тартибини, съездга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни кўриб чиққан партия Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми материаллари, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг доклади барча совет кишиларининг диққат марказида турибди.

Пайтахт коммунистлари, партия ташкилотлари, бажарилган ишларни ленинчасига, холисона ва талабчанлик билан таҳлил этмоқдалар. Бунда большевикларнинг кекса гвардияси, ветеран коммунистларнинг тажрибалари катта аҳамият касб этяпти. Кўпни кўрган, бой тажрибага эга бўлган ветеранлар бизнинг фахримиз, ғуруримиз ва шарафимиздир.

Чиниихон ая Иброҳимова ана шуларнинг биридир. У бу йил 77 баҳорни қаршиладн. 1920 йилда комсомол сафига кирди. 1930 йилдан КПСС аъзосидир. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига сазовор бўлган. Ч. Иброҳимова Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети қошидаги партия ветеранлари Советининг раисидир.

Бугун биз большевиклар кекса гвардиясининг вакили, ветеран коммунист Чиниихон ая Иброҳимова билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

— Чиниихон ая, Сиз каби партия ветеранларининг табаррук сўзларн, бой тажрибаларини тинглаш ёшлар учун жуда маромли ва муҳим аҳамиятга эга. Партиямизнинг бўлажак XXVII съездига тайёргарлик қизғин давом этаётган шу кезларда Сиз, партия ветеранларининг ҳаёлидан кўпроқ нималар ўтяпти! Нималар кўпроқ ҳаяжонлантиряпти!

— Шу кунларда босиб ўтган йўлимга қайта-қайта назар ташлаяпман. Мамлакатимиз, республикамиз, Тошкентимизнинг бутун ҳаёти кўз ўнгимда бирма-бир гавдаланмоқда. Онам Тўрахон ая Иброҳимова донмо ёдимда. У Ўрта Осиёда ўзбек хотин-қизлари озодлиги учун курашда активлик кўрсатган эди. Мен онамнинг республикада Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашнинг дастлабки даврида жонкуярлик кўрсатганлиги билан фахрланаман. Мен онамнинг Совет ҳокимиятининг асосчиси ва ташкилотчиси доҳиймиз Владимир Ильич Ленинни кўришга муяссар бўлганлиги билан олам-олам қувончга тўламан! Онамнинг Ленинни кўрган кўзларидан қайта-қайта ўпганман!

Уша йилларни эслаганимда бутун тарих курашлар билан ўтганига ишонч ҳосил қиламан. Хотин-қизлар озодлиги учун кураш, босмачиларга қарши кураш, саводсизликни тугатиш, хотин-қизларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш биз, комсомоллар ва коммунистларнинг зўр ғайрат-шижоат билан ишлашини, фидокорлик, қатъият, интизом ва камчилик-нуқсонларга муросасизлик кўрсатишини талаб этарди.

— Бенхтиёр ҳозирги кунларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикамиз ҳаётида туб бурилиш ясаган XVI пленуми ҳаётбахш таъсирини ўйлаб кетасан, киши... Пленумдан кейин ўтган салкам бир йил ичида шаҳар партия ташкилоти, коммунистлар ҳаётида катта ўзгаришлар, ижобий силжишлар бўлди. Ана шуларда партия ветеранлари шаҳар Советининг раиси сифатида сиз большевиклар кекса гвардияси вакилларининг қўшган ҳиссаларн ҳақида нималарни сўзлай оласиз!

—Юксак эътиқод, ишбилармонлик, ташаббускорлик, меҳнатда зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаш, оташин пропагандистлик — большевиклар кекса гвардиясига хос ҳислатлар эди. Улар КПСС Устави ва ахлоқ нормаларини бузишга йўл қўйган, хизмат вазифасини суиистеъмол қилган, масъулиятини унутиб қўйган шахсларга қарши муросасиз кураш олиб боришган эди.



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида биз ана шундай большевикчасига иш тутиш ленинча қатъиятни кўрдик.


— Республикамизда, шу жумладан Тошкент шаҳрида бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кўрнги бошланганн бунинг яна бир ёрқин далили эмасми!

— Жуда ҳақ гап! Уюшқоқлик ва тартиб учун кураш партиямиз ва давлатимиз фаолиятининг доимий йўналиши бўлиб келганлигини, бунда ҳеч қандай кампаниячилик элементларига йўл қўйиб бўлмаслигини биз, ветеранлар яхши биламиз.

(Давоми 2-бетда).







КПССнинг бўлажак XXVII съезди шубҳасиз, мамлакатни ривожлантиришда бутун бир даврга тенг босқич бўлиб қолади.

(Ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумидаги докладидан).

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ — ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА



КПССнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ватанпарварлик ҳаракати кенг қулоч ёйган шу кунларда ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир ишчи аниқ режаларни белгилаб олмоқда. Ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, кейинги беш йилликни зарбдор суръат билан бошлаш учун ишлаб чиқаришни янада кучайтириш тадбирлари кўрилляпти. Ана шу умумхалқ курашининг олдинги сафида коммунистлар, ишлаб чиқариш илғорлари, ёшлар боришмоқда.

● «Ташсельмаш» заводининг йиғув цехида меҳнат қилаётган Г. Гусев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи партия съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада янги ташаббус билан майдонга чиқди. Дастлабки кунларданоқ бригада коллективи зиммадаги мажбурият ортиғи билан бажариш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳаракат қилмоқда.

● «Главташкентстрой»нинг II-«Высотстрой» трестига қарашли «Спецжелезобетонстрой» қурилиш бошқармасида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати бригада бошлиғи М. Ҳабибуллаевнинг номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади. Машҳур қурувчи ишлаб чиқаришда илғорлар методини кенг ёйиб бормоқда.

● Тошкент трактор заводи ишлаб чиқаратётган маҳсулот фақатгина республикамиздагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам машҳурдир. Йил сайин завод коллективи тракторлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилаб бормоқда.

● Меҳнат коллективларида шонли саҳифаларни нишонлаш яхши анъанага айланиб бормоқда. «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Дилором Умарованн ушбу корхонада 25 йил самарали меҳнат қилганлиги билан қизғин табриклашди.

● Тошкент — бугунги кунда катта қурилишлар шаҳри ҳамдир.



● Ишчи минбари

ҚИЗҒИН ИШЛАР АРАФАСИДАМИЗ

Назрулла МАННОПОВ, Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси.

«...Ҳар бир киши ўз ўрнида виждонан ва тўла самара билан ишлайдиган бўлишига эришиш мумкин» — КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида Михаил Сергеевич Горбачев ифода этган бу сўзлар қалбимдан чуқур ўрин олди. Мен Пленум ишида қатнашдим, унинг ижодий, ишчанлик муҳитини яққол ҳис этиб турдим. Ана шу анжуманда тегишли хулосалар чиқариб олдим: она-Ватанимизнинг иқтисодий қудрати мустаҳкамланиши, совет кишиларининг фаровонлиги яхшиланиши, ҳаммамиз янада яхшироқ яшашимиз учун ҳар бир киши виждонан, ижодий ташаббускорлик ва социалистик тадбиркорлик асосида меҳнат қилмоғимиз керак.

Биз қандай қилиб мувaффақиятга эришувимиз, қандай имкониятларни ишга солишимиз мумкин? Бугунги кунда ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнатчи ўзига ана шундай савол бермоқда, унга жавоб изламоқда. Бизнинг асосий вазифаларимиз орасида ишлаб чиқаришни илмий-техникавий жиҳозлаш, меҳнат унумдорлигида жаҳон олий даражасига етказиш каби топшириқлар бор. Коллективимиз бу борада катта ишлар олиб бормоқда. Менинг бригадам меҳнат қилаётган шассилар цехи ишлаб чиқаришда илғор технология — механизация ва автоматлаштиришни тадбиқ этишнинг ўзига хос намунасидир. Бу ерда деталларни қайта ишлашда рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар ишлаб турибди, кўп станокларга хизмат кўрсатиш усули кенг ривожланиб бормоқда. Илмий-техника тараққиётининг социал натижалари кўзга яққол ташланмоқда. Чунки ишчилар кўплаб қўл меҳнатидан халос бўлдилар, уларнинг техникавий шайланиш даражаси анча ошди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги бошқа омиллардан яна бири — бу инсонга нисбатан талабчанлик ва диққат-эътиборни оширишдир. Бир сўз билан айтганда инсон қудратининг омилларини янада активлаштиришдир. Топширилган иш учун ишонч ва юксак масъулиятлилик одамларни янада яхшироқ тарбиялайди. Мен фахрланадиган кўпгина насбдошларим бор. Таисия Павлова, Алексей Ломакин, Михаил Кудрейко, Иван Басанец, Лидия Сазонова ва бошқалар шулар жумласидан. Улар ёш ишчилар учун меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг ёрқин намунаси, актив ҳаётий позициядa турган инсон тимсоли ҳисобланишади. Улар биргина илғорларнинг куч-ғайрати билан ишни қизғин юритиш мумкин эмаслигини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ижодий куч-ғайрати ўнлаб ёш ишчиларнинг новаторлар ва социалистик мусобақаларнинг пешқадамлари бўлишларига қаратилган.

Ҳа, нечаги рекорд бугун норма бўлиб қолмоғи керак. Менинг кўпгина ўртоқларим смена топшириқларини ошириб бажаришаётганлиги, нечаги рекордлан ўзиб меҳнат қилишаётганлигидан гоятда қувонмоқдаман. Авиабирлашманинг юзлаб меҳнатчилари республикамизнинг ишлаб чиқариш илғорлари бошлаб берган ташаббус асосида ишлашга аҳд қилиб, партиямизнинг бўлажак XXVII съезди шарафига 27 зарбдор декада эълон қилдилар. Уларнинг аҳди беш йиллик топшириғини муддатдан илгари бажаришдир. Цехимизда А. Хмаров, А. Ёқубов, В. Филиппов, слесарь Г. Хазин сингари жамоанинг илғорлар бор. Узим эса, социалистик мажбуриятларимни албатта бажараман, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан берган ваъдамнинг устидан чиқаман. Бу бутун жамиятимизнинг тараққиётида муҳим воқеа бўлиб қоладиган партиямизнинг навбатдаги съездига армуғоним бўлади.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

20 МАЙ, 1985 й.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА —

СЪЕЗДОЛДИ ЖАНГОВАРЛИК КЎРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Баъзида биз, кексаларни ёш ўтиши билан боғлиқ толиқиш ёш давримиздагидек ғайрат, шижоат билан меҳнат қилишимизни қийинлаштиради. Бироқ шунга қарамай ҳамон ёшлар орасида бардамлик, тетиклик билан актив иш олиб бораётган ветеранларимиз жуда кўп.

Шаҳримизда 1917—1932 йилларда партия сафига қабул қилинган коммунистлар — Ленин партиясининг кекса авлодига мансуб 1300 га яқин коммунист фаол жамоат ишлари олиб боряпти. Кўпларининг кўкракларида «Партия сафида 50 йил» нишонлари порлаб турибди. Ветеранларимиздан Йўлдош Бобожонов, Семен Осипович Паршин, Иван Сергеевич Секретарев, Ғулом Соипов, Аъзамхон Рустамов, Рауф Бойжонов, Ориф Обидов, Азиз Тўхтабоев, Ориф Абзалов, Абдулла Ўразаев, А. Мясникова ва бошқа ўнлаб кишилар ёшларни она-Ватанга муҳаббат, Улуғ Ленин ишига садоқат руҳида тарбиялашда партия ташкилотларига катта ёрдам беришяпти. Уларнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, жўшқин фаолияти ёшлар учун намуна бўляпти.

— Район партия ветеранлари Совети ишларини йўлга қўйиш борасида қандай тадбирлар кўрилмоқда?

— Партиянинг бўлажак XXVII съездига тайёргарлик даврида, айниқса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин шаҳар партия ветеранлари Совети кадрлар ишига, ёш коммунистлар ва комсомолларни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳратли анъаналари руҳида тарбиялашга, мавжуд камчилик ва нуқсонларни тугатишга ўз муносиб ҳиссасини қўшишга асосий эътиборни қаратди. Бу ишлар изчил план бўйича олиб бориляпти. Айниқса Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафаларида район Советлари фаолияти беҳад жонланиб кетди. Кўп сонли ветеранларимиз Ленин, Чилонзор, Октябрь ва бошқа районлардаги саноат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, мактаблар ва бошқа жойларда тез-тез мароқли ва мазмунли учрашувлар ўтказиб турдилар.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида ветеранларимиз тез-тез тўпланиб туришади. Кўпгина тадбирларимиз мана шу қутлуғ даргоҳда ўтяпти. В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигини нишонлаш кезларида бу ерда ёшларни комсомол ва пионер сафларига қабул қилиш тантаналари ўтказилди. Қисқаси, бирон кун йўққи, ветеранларимиз ёшлар билан учрашув ўтказмасинлар.

Яқинда Ленин, Октябрь, Фрунзе, Собир Раҳимов ва Акмал Икромов район партия ветеранлари Советларининг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини тингладик.

— Шулардан қайсиниси диқат ишлар кўпроқ маъқул бўлди!

— Масалан, Ленин райони партия ветеранлари Совети ишларидан беҳад мамнун бўлдик. Уларда белгиланган тадбирлар жуда яхши, бекамикўст адо этиляпти. Кўпгина қизиқ тадбирлар амалга оширилятти. Биргина бу район эмас, балки кўпчилик районларда ветеранларимиз бошланғич партия ташкилотларига виждонан ёрдам бермоқдалар.

— Дарвоқе, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари учун большевиклар кекса гвардиясининг бой тажрибалари бебаҳо хазина, шундай эмасми!

— Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ветеранларни ўзларининг энг яқин кўмакчилари, маслаҳатчилари деб билмоқдалар. Уларнинг актив жамоат ишлари олиб боришларини ҳисобга олиб, катта ишонч билдирмоқдалар. Район партия ветеранлари Советлари раисларининг деярли ярми район партия комитетларининг аъзолари ҳисобланишади. Баъзи кекса ветеранларимизнинг бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, халқ назоратчилари бўлиб ишлашаётгани, кўпчилик табаррук отахон, онахонларнинг бошланғич партия ташкилотлари секретарлари билан ўтказилаётган секретарлик соатларида сўзга чиқишлари, уларнинг меҳнат коллективлари ва айниқса ёшлар ўртасида пропагандистлик ва агитаторлик қилишаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовор, албатта.

— Уларнинг ажойиб отaлиқ ишлари ҳақида ҳам яхши гаплар эшитяпмиз.

— Ҳа, яхши эсимга солдингиз. Барча районларда комсомол ташкилотларини оталиққа олганмиз. Меҳнат ва ўқув коллективларига, ётоқхоналарга тез-тез бориб, ёшларга республикамизнинг Совет ҳокимияти йилларида босиб ўтган бой тараққиёт йўли, революция, гражданлар уруши, Улуғ Ватан урушида жон фидо қилганлар ҳақида, беш йиллик қаҳрамонлари тўғрисида ўзларининг таассуротларини сўзлаб бермоқдалар. Совет Армияси сафига чақирилувчи ёшлар ўртасида ҳам катта ишлар олиб бориляпти.

Шаҳримизда ҳозиргача 55 та ҳунар-техника билим юртини рўйхатга олдик. Мақсадимиз — муносиб ишчи-ўринбосарлар тайёрлашга ҳиссa қўшишдир. Шу кунларда биз бу ишга катта аҳамият беряпмиз. Ҳозир билим юртларига ветеран-коммунистларни биркитиш, оталиқ ташкилотларида учрашувлар ўтказиш, ўқувчилар истиқомат қилаётган ётоқхоналарда дастлабки беш йилликлар зарбдорлари, стахановчилик ҳаракати, партиямизнинг навбатдаги XXVII съездини катта ютуқлар билан кутиб олиш учун курашаётган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг ажойиб ишлари ҳақида суҳбатлар ўтказяпмиз.

— Кекса отахон ва онахонларимизнинг ёшлар ўртасида бунчалик ғайрат-шижоат билан иш олиб боришаётганн ғоятда қувончли, Чиннихон ая. Энди сизга яқин ва жуда муҳим бўлган яна бир саволни беришга ижозат бергайсиз. Хотин-қизларимизнинг жамиятимизнинг ҳозирги актуал ишларида тутгал ўрни ҳақида нима дейсиз!

— Уларнинг ўрни ва роли жуда катта! Съезд арафаларида босиб ўтган йўлимни қайта-қайта хаёлимдан ўтказяпман. Паранжи ташлаш, қизлар ячейкалари, женсоветлар, «Ҳужум» йиллари, қалинни бекор қилиш кампаниялари, гимнастёрка кийиб олиб, белга камар боғлаб, жанговар бунёдкорлик ишларида активлик кўрсатганларимиз, «Ўзбекистон комсомоли» агитпоездаи ишларида қатнашганларимиз ва бошқа сон-саноқсиз тадбирлар ҳамон шундоққина кўз олдимда турибди.

Партия ветеранлари Совети шу кунларда баъзи хотин-қизларимиз онгидаги эскилик қолдиқларига қарши кураш бўйича бир мунча тадбирлар ўтказяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳаққоний таъкидланганидек, биз партиявий, ленинчасига, принципиаллик билан иш юритиш масалаларини ўз диққат-марказимизда тутяпмиз. Жонажон съездимизни биз барча соҳаларда — ҳам меҳнатда, ҳам ижтимоий ҳаётда, ҳам турмушимизда бой ютуқлар, янги силжишлар, кўзни қувнатиб, дилни яшнатадиган армуғонлар билан кутиб олишимиз шарт.

Суҳбатни
Ҳамид ИКРОМОВ
олиб борди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА ЕТТИ ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз съездолди вахтасини зарбдор меҳнат билан нишонлаш юзасидан республика пойтахти меҳнаткашларига мурожаат қилиб, ўзимиз учун мусобақа марраларини аниқ белгилаб олдик. Сўзимиз қатъий. Барча мажбуриятларимизни албатта бажарамиз.

«Промстройкомплект» бирлашмасининг илғор бригадаларн ўз зиммаларига масъулиятли топшириқлар олишди. 1-темир-бетон буюмлари заводининг Н. Йўлдошев бошлиқ қолипловчилар бригадаси, В. Матвиенко бошлиқ арматурачилар бригадаси зарбдор ўн кунликларда 70 куб метр йиғма-темир бетон конструкцияларн тайёрлаш ва 3240 куб метр плита учун арматура тайёрлаш мажбуриятини олди. Ремонт-механика заводининг З. Собитов бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси, 1-ёғочни қайта ишлаш заводининг Р. Хаметов бошлиқ дурадгорлар бригадаси тўрт тонна технологик жиҳоз, 2 минг 37 квадрат метр дурадгорлик буюмлари тайёрлаш мажбуриятини олди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ўртоқларимиз қабул қилган социалистик мажбуриятнинг муҳим бандларидан ҳисобланади. 1-пойафзал фабрикасининг ишчиси В. Вороженна смена топшириғини анча ошириб бажариш, фрезерчи, «Ҳурмат белгиси» орденининг кавалери У. Иброҳимхўжаев, ишчи Б. Этамбердиев ва бошқалар смена топшириқларини анча ошириб бажаришга аҳд қилдилар.

Биз, Фрунзе районининг ишчилари шаҳарнинг барча меҳнаткашларини «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги социалистик мусобақага қўшилишга чақирамиз.

Тошкент меҳнаткашлари! Мусобақадошлар сафига қўшилингиз!

Йиғирувчи **Н. АҲМЕДОВА**, тўқувчи **Е. ГУБИНА**, тандаловчи **В. ГЕРАСКИНА**, ишчи **В. ТОЖИХОНОВА**, намоткачи **Л. НИКОЛАЕВА**, раклист **В. ШАЛАМОВ**, мастер ёрдамчиси **С. ПЎЛАТОВ** (Тошкент тўқимачилик комбинати), 1-темир-бетон буюмлари қолипловчилар бригадири **Н. ЙЎЛДОШЕВ**, ремонт-механика заводи слесарь-йиғувчилар бригадири, **З. СОБИТОВ**, 1-ёғочни қайта ишлаш заводи дурадгорлар бригадири **Р. ХАМЕТОВ**, 1-темир-бетон буюмлари заводи арматурачилар бригадири **В. МАТВИЕНКО**, қуювчи **Б. БАЙСАРОВ**, токарь **К. СЕН** («Таштекстильмаш» заводи), ишчи **В. ВОРОЖЕИНА**, фрезерловчи **У. ИБРОҲИМХЎЖАЕВ**, ишчи **Б. ЭГАМБЕРДИЕВ**, тайёрловчи **А. ҚУДРАТОВА** (1-пойафзал фабрикаси), пластмасса буюмлари заводи пресловчиси **Л. ТЕЛУШКИНА**, сувоқчилар бригадири **В. ДРОЗДОВ**, бўёқчилар бригадири **Т. САВЧУК**, дурадгорлар бригадири **М. ЮСУПОВ** («Отделстрой» тресги), электр-пайвандчи **Ф. ФАЗАТДИНОВ** (экспериментал-механика заводи), гальваник **Л. ЦХАЙ**, прессловчи **Э. ДРОВЕШИНА**, ишчи **Б. РАҲИМБОЕВ** (абразив комбинати), 2-автотранспорт корхонаси маршрут бригадири **И. МУСТАФИН**, бинокорлик материаллари комбинати прессловчиси **З. КОРАБЛИНА**.

Съезддансъездгача

УЙ ТЎЙЛАРИ КЎПАЯВЕРСИН

Мамлакатимизнинг барча меҳнат коллективлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилдилар. Бу шонли воқеага халқ хўжалиги барча тармоқларининг меҳнаткашлари меҳнат совғаларини ҳозирламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми қурилиш ташкилотлари коллективлари олдига ҳам катта вазифаларни қўйди.

КПСС XXVI съездидан буён ўтган вақт ичида амалга оширилган ишларнинг айрим якунлари ва янги режалар хусусида Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати бошлиғи Эргаш Раҳимович РУСТАМОВ қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

«Экономика соҳасидаги интизом ва тартиб — аввало аниқ ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёни, ўзгармас план, технология интизомидир, албатта».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми материалларидан).

— Аввалambор барча бўлинмаларимизнинг фаолиятларига, оддий ишчидан тортиб хўжалик раҳбари ишига объектив, холисона, танқидий баҳо бериш зарур. Биз ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда ўз ишимиз натижаларига ҳеч қандай дабдабасиз, партиявий принцип жиҳатидан баҳо бермоқдамиз. Албатта, талайгина ишлар қилинди. Аммо афсуски, ҳали белгиланган ишларнинг ҳаммасини тўла амалга ошира олмадик.

Умуман олганда, коллективимиз план-топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажариб келяпти. Коллективимизнинг йилдан-йилга уй-жой қурилиши суръатини ошириб бораётганлигини кўрсатувчи бир нечта рақамларни тилга оламиз. Ишга тушириш суръатининг ўсиши 1980 йилга нисбатан 106,5 процентни ташкил этди. Шу беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида 1255,5 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Бир йилга планлаштирилган 350,4 минг квадрат метр уй-жойнинг 101,2 минг квадрат метри тўрт ой мобайнида фойдаланишга топширилди. Бош пудрат ва ўз кучларимиз бўйича қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ўзлаштириш топшириқлари ҳам муваффақиятли бажариляпти. Беш йилликнинг фақат тўртйили мобайнида меҳнат унумдорлиги 22,5 процент ўсди. Биз объектларни сифат кафолат паспортлари билан топширишни жорий этдик. 1-йирик панелли уйсозлик ва 6-темир бетон буюмлари заводларида индустриал буюмлар тайёрлаш технологиясини қисман ўзгартириб, комбинат ва «ТошЗНИИЭП» институти мутахассисларин и н г самарали ишлари туфайли комбинатимиз анча такомиллашган сериядаги янги тўққиз қаватли уйлар ишлаб чиқариш ва қуришга ўтди. Дастлабки бундай уйлар ўз истиқоматчиларини қабул қилди.

Комбинатимизда новатор ва рационализаторларнинг ҳаракати ҳар қачонгидан ўзгача кенг қулоч ёйди. Фақат ўтган йилнинг ўзида иқтисодий самараси 232 минг сўм бўлган 43 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Коллективимиз бундай ташаббускор, ажойиб мутахассис бўлмиш ижодий фикр кишилари билан ҳақли равишда фахрланади. Улар 1-йирик панелли уйсозлик заводининг бош механиги, М. Зацепин, шу заводнинг, цемент омбори бошлиғи Г. Котов, махсус конструкторлик-технология бюроси инженери ва завод бетончиси С. Кособоков ва В. Савченколардир. КПСС XXVII съезди шарафига ўз таркибига 1867 кишини олган 124 бригада меҳнат беллашувига қўшилди. Уларнинг ҳаммаси турли ватанпарварлик ташаббуслари ва анъаналарини қўллаб-қувватладил а р. Мусобақада фақат комбинатда эмас, балки унинг ташқарисида номи чиққан донгдор қурувчилар пешқадамлик қилишмоқда. Бригадирлар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати И. Орипов, В. Ульянов, Т. Назаров, З. Габитов, М. Ошчепков ва бошқалар шулар жумласидандир.

Комбинатимизда социалистик мусобақа ўзининг ҳал қилувчи босқичига кирмоқда. Ишчи ва хизматчилар мамлакатимиз коммунистларининг бўлажак анжуманини муносиб кутиб олиш учун аниқ марраларни белгиламоқдалар. Улар республикамиз 18 новаторининг КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор декада ўтказиш бўйича ташаббусларига якдиллик билан қўшилдилар. Уйсозлар шонли воқеани яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан кутиб оладилар, ҳамшаҳарларимиз кўпроқ уй тўйлари нишонлашлари учун бирлашмаси, электрон-техника ишлаб чиқаришга жорий этишнинг туфайли унумдорликнинг йиллик ўртача ўсиш суръатларни 15 процентдан зиёд бўлишига, бунда ўсишнинг 90 процентини меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига эришилди.

● «Средазэлектроаппарат» заводида эскирган конструкциядаги прессларни серунум пресс-автоматларга алмаштирилиши ҳисобига пакетли виключателлар тайёрлаш жараёнида унумдорлик беш баравар ошди.

● Республика пойтахтининг саноат корхоналарида 28 цех ва участка автоматлаштирилди ва механизациялаштирилди, 108 та комплекс механизацияла ш г а н, ярим автомат ва комплекс-автомат линия, 1115 жиҳоз, агрегат ва установка бирлиги, 365 янги технология жараёни жорий этилди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Шу беш йилликнинг тўрт йили мобайнида саноат бўлинмалари томонидан машинасозлик корхоналари бўйича 700 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Бундан 400 миллионни ишлаб чиқаришни техникавий реконструкциялаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилди. Бунинг ҳисобига 400 миллион сўмлик фонд самарадорлигига эришилди. Соҳа бўйича меҳнат унумдорлиги 13 процентга ўсди.

● Беш йиллик бошидан бери В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд», «Средазкабель», «Средазэлектроаппарат», электрон-техника, «Таштекстильмаш», «Компрессор», экскаватор заводи кабн корхоналарда ишлаб чиқаришни реконструкциялаш бўйича бир мунча йирик ишлар амалга оширилди. Уларда металл кесувчи ва темирчилик-пресслаш жиҳозларн янгиланди, рақамли программавий бошқарувли юқорн унумдор агрегат дастгоҳлар ва автомат конвейер линияларн ўрнатилди.

Съездолди йиғилишларимизнинг, партия XXVII съездига бутун тайёргарлигимизнинг асосий моҳиятига айлантиришимиз лозим бўлган шу даврнинг бош шиори—ижодий меҳнат, сўз ва иш бирлиги, ташаббус ва масъулият, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанликдир. Бу ишда коммунистлар намуна бўлишлари лозим.

(КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми материалларидан).

Партия анжуманига—меҳнат туҳфаси

Ҳ. ҚОРАБОЕВ,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 11-«Висотстрой» трестининг 17-қурилиш бошқармаси қурувчиси, КПСС XXVI съезди делегати.

Мамлакатимизни н г барча меҳнат коллективлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун соцналистик мусобақага қўшилдилар.

Бу шонли воқеа шарафига биз ҳам меҳнат туҳфаси ҳозирламоқдамиз. Энг муҳими ҳар бир кишида топширилган ишга бўлган масъулият юқориднр. Бизга масъулиятли ишлар ишониб топширилган.

Ҳозирда Пушкин кўчасида баланд қаватли «Дўстлик» турар жой комплексининг иккинчи навбатини бунёд этмоқдамиз. Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари «Главмосстрой» қурувчиларн билан биз ҳамкорликда Ҳамид Олимжон майдонида бунёд этган бу йигирма қаватли тўртта уйни яхши биллшадн. Ҳозир худди шундай уйларни яна қурмоқдамиз. Эндиликда бундай ноёб объектларни қуриш борасида тажрибамиз анча ортди. Самаралн, ҳеч қандай узилишларсиз, бехуда турнб қолишларсиз ишлашга эришмоқдамиз.

Кўп йиллар мобайнида бригадамизга етакчилик қилиб келдим, яқинда пенсияга чиқим ва бригада аъзоси бўлиб қолдим. Мен билан бирга ажойиб кишилар меҳнат қилишади. Эндиликда бригадамизга тресгимизнинг тажрибали қурувчиларидан бўлмиш Отто Кришенман раҳбарлик қилмоқда. Тўртта уйнинг пойдеворини графикдан ўзгн ҳолда бунёд этмоқдамиз.

Келгуси йилнинг февраль ойида энг яхшиларнинг яхшилари — мамлакат коммунистлари ўзларининг бош анжуманига тўпланадилар. Мен эса КПСС XXVI съездига делегат бўлиб борганимни ҳамон завқ билан эслайман. Бу менинг ҳаётимда унутилмас воқеа бўлган эди. Ўшанда биз бу шонли воқеага худди байрамга тайёргарлик кўргандек тараддуд кўрган эдик.

Ўйлайманки, серқуёш Ўзбекистон пойтахтидан КПСС XXVII съездига делегат бўлиб борувчилар ҳам ўзларининг амалга оширган ишлари ҳақида ҳамкасбларига завқ-шавқ билан гапириб берадилар. Олдимизда ҳали етарли вақт бор, шу вақт мобайнида иш самарадорлигини оширишимиз, объектларни тез ва соз қуришга эришишимиз керак. Ана шунда партия ва эл олдида юзимиз янада ёруғ бўлади.

ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ, «СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ СЛЕСАРЬ-ЙИҒУВЧИСИ МУҲАММАДЖОН ТУРОБОВ СЎЗИ.

Кремлдаги съездлар саройида партия XXVI съездида белгиланган улкан ишлар программасига овоз берганлар орасида «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг донгдор слесарь-йиғувчиси, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Муҳаммаджон Туробов ҳам бор эди. Бугун у бу программа қандай амалга оширилаётганлиги, съезддан бери ўтган тўрт йилдан кўпроқ вақт мобайнида тракторсозлар қандай ютуқларни қўлга киритганликлари ва бўлажак XXVII съездни кутиб олиш учун бирлашмада қандай ишлар режалаштирилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Бундан тўрт йил муқаддам партия XXVI съездига делегат бўлиб қатнашганлигим ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлди. Ўзбекистонлик делегатларни Ватанимиз пойтахтига олиб борган поездда Наманган область Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг донгдор бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Шарипов билан битта купеда ҳамроҳ бўлиб кетдим. Абдусаттор ака пахтачилик илмини яхши билган, сермушоҳада, вазмин киши экан. У ўз хўжалигида пахтачиликни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида гапирди. Мен эса унга заводимиздаги янгиликлардан ҳикоя қилдим. Шунда гапдан-гап чиқиб, Абдусаттор ака заводимизда тайёрланаётган прицеплар бироз торлиги, пахта териш машиналари бункеридан пахта тўкилганда бир қисми ерга тушишини айтиб: «Иложи бўлса прицеплар ҳажмини қаттароқ қилиб ишлаб чиқарсангизлар маъқул бўларди» деди. Мен бу масала заводимиз конструкторлари ва инженерларини ҳам ўйлантираётганлигини, кузови ҳажми каттайтирилган прицеплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таклиф айтилган мактубни коллективимиз номидан Иттифоқ министрлигига олиб боратёганлигимни айтдим. Абдусаттор ака мактубни диққат билан ўқиб чиқиб хурсанд бўлди. «Бу иш қанча тез амалга оширилса шунча яхшн бўлади» деди.

Партия XXVI съезди тугаши арафасида СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министри А. Ежевский министрлик корхоналаридан партия съездига делегат бўлиб борган 37 ишчини қабул қилиб суҳбатлашди. Барчамизга ўн биринчи беш йиллик ғолиби нишони ва министрликнинг фахрий ёрлиғини топширди. Корхоналардаги ишнинг аҳволи билан қизиқди. Мен шунда имкониятдан фойдаланиб Александр Александровичга бирлашмамизда ўн биринчи беш йилликда амалга ошириладиган ишлар ҳақида гапириб бердим ва коллектив номидан ёзилган мактубни топширдим. У мактуб билан танишгач, натижасини тез вақт ичида маълум қилишга ваъда берди.

Ҳақиқатда, мен съезддан қайтиб келгач, кўп вақт ўтмай заводимизга министрликдан жавоб хати келди. Унда Андижон областининг Ленинск шаҳридаги филиалда кузови кенгайтирилган прицеплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қувватлар бунёд қилишга рухсат берилганди. Шундан бери орадан тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ленинск шаҳрида кузов ҳажми кенгайтирилган прицеплар, уларга пневмоузеллар ишлаб чиқариш учун қувватлар барпо қилинди. Ҳозир бу ерда янги прицеплар ишлаб чиқариш бошланди. Йил охиригача улардан тўрт мингтаси тайёрланади.

Янги прицепларнинг эскиларидан афзаллиги нимада? Биринчидан, юқорида айтилгандек, уларнинг кузови ҳажми катта, илгариги прицепларга 3 тонна пахта кетса, бунга 3,5 тонна пахта кетади. Иккинчи энг муҳим фарқи шуки, унинг тормози пневматик усулда ишлайди. Бу афзаллиги пахта йиғим-теримида тракторга 3—4 тагача прицеп тиркаб поездлар ҳосил қилиш, уларни бехатар бошқариш имконини беради. Пневматик тормозлар гидравлик тормозлардан фарқли равишда барча прицепларни бир пайтда тўхтатиш имконини беради. Бундан ташқари янги прицепларда пахтани автоматик зичлайдиган мосламаси бор.

Ленинскдаги филиалда янги прицеплардан ташқари бензовозлар учун ҳар йили 2000 та шасси, пахта ташийдиган «Колхида» автомашиналари учун 500 та ярим прицеп ишлаб чиқариш учун қувватлар ҳамда кенг истеъмол буюмлари цехи қурилди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигини ўн биринчи беш йилликда ривожлантиришнинг асосий йўналишларида заводимизда янги қувватлар барпо этиш таъкидланган. Ленинскда амалга оширилган ишлар бирлашмамизда шу йўлда қилинган ишларнинг бир қисмидир. Беш йиллик бошидан бери асосий корхонада ҳам кўп ишлар қилинди. Жумладан, шу йил бошида тракторлар учун янги гермегик кабиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун махсус корпус барпо этилди. Янги кабинали тракторлар қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Қишда кабина исиса, ёзда совутгич аппарати ишга туширилади. Шовқин ва чанг-тўзон тракторчига таъсир кўрсатмайди. Механизатор самолёт ўриндиғига ўхшаш креслода роҳат қилиб штурвални бошқаради.

Бундан ташқари трансмиссия ва ланжерон тайёрланадиган участкалар, автоматик линиялари бўлган термогалваник цех, роботлаштирилган участка барпо этилди.

Бирлашмада қуюв комплекси барпо этилганлиги ўн биринчи беш йилликнинг энг муҳим янгиликларидандир. Бу комплексни тўла маънода завод ичидаги завод дейиш мумкин. Тақослаш учун бир мисол кифоя. Ҳозир жаҳонга машҳур «зангори кема»лар тайёрланаётган «Ташсельмаш» заводида 7000 ишчи меҳнат қилади. Биздаги янги қуюв комплексида эса 5000 киши ишлайди.

Комплекс қурилишнинг биз учун қандай аҳамияти бор? Ҳозир бирлашма йилига 40 минг тонна қуйма ишлатади. Бу ҳом ашё маҳсулот республикамиздаги ва Иттифоқимиздаги турли корхоналардан ташиб келтирилади. Янги комплекс фойдаланишга топширилиши билан корхонамизнинг металлга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжи қондирилади. Ҳозир қурувчилар унинг биринчи навбатини КПСС XXVII съезди арафасида фойдаланишга топширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўн биринчи беш йиллик бошидан бери корхонамизни реконструкциялаш ва кенгайтириш, янги қувватлар барпо этишга 105 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Эндиликда бирлашмамиз пахтачиликка ихтисослашган трактор ва прицеплар ишлаб чиқарадиган гигант корхонага айланди. Шу йилдан заводда юз от кучли МТЗ—80Х тракторини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юбордик. Ҳозиргача бу тракторлардан 600 га яқини тайёрланди.

Корхонамизда беш йил бурун бўлган киши ҳозир уни кўриб ҳайрон қолиши мумкин. Бирлашмага кираверишда ажойиб хиёбон барпо этилди. Ҳаммаёқ тоза, саранжом-саришта, юксак тартиб ва интизом фаолиятимизнинг энг муҳим томони бўлиб қолди. Корхона маъмурияти ишчиларнинг маданий-маиший ва турмуш шароитини яхшилаш учун ҳам куч ва маблағни аямаяпти.

Мана шулар натижаси ўлароқ, илгари план топшириқларини бир бажарса, бир бажармай юрган корхонамиз эндиликда пешқадамлар сафидан ўрин олди. 1984 йилдаги иш якунлари бўйича коллективимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди ва бирлашмамиз номи Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкаси. нинг Ҳурмат тахтасига ёзилди.

Корхонамиз коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми қарорларини маъқуллаб кутиб олдилар. Бизни айниқса бу пленумда коллективимиз фаолиятига ижобий баҳо берилганлиги қувонтирди.

Шу йил 16 май куни бирлашмамизнинг барча цехларида очиқ партия мажлиси бўлиб, уларда партия XXVII съездига тайёргарлик масаласи муҳокама этилди. Коллектив бўлажак съезд шарафига 20 майдан бошлаб «Партия XXVII съездига — 27 зарбдор ҳафта!» шиори остида зарбдор вахтада туришга аҳд қилди. Бу ҳафталикларга ҳар ўн кунликда якун ясаб борилади ва илғорлар кўчма Қизил байроқ ва гувоҳнома билан тақдирланади. Партия XXVII съезди арафасида умумий якун чиқарилиб, энг кўп ғолиб чиққан цехда кўчма Қизил байроқ абадий сақлаш учун қолдирилади ва бу цехга КПСС XXVII съезди номи берилади.

Мен партия XXVI съездидан қайтиб келгач шахсий ўн биринчи беш йиллик топшириғини учта ярим йилда бажаришга ваъда бергандим. Бу ваъдамни ўз муддатида адо этдим. Ҳозир менинг меҳнат календаримда 1986 йилнинг апрель-ойи давом этяпти. Ҳамкасб дўстларим М. Тешабоев, В. Егоров, М. Дубинина кабилар ҳам вақтдан ўзиб ишлаб, бирлашмадаги социалистик мусобақада намуна бўлишяпти.

Биз ишчилар ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш ва партия XXVII съездини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун мумкин бўлган барча ишларни қиламиз.

Суҳбатни А. ЭГАМНАЗАРОВ ёзиб олди.

27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуюв цехида чўян қуйиш ва қолиплаш учун поток линия монтаж қилиндн. Натижада тайёр маҳсулот сифатн яхшиланди ва оғир қўл меҳнатн барҳам топдн.

Шу корхонада «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасн мутахассисларн ёрдамн билан йирик ҳажмли ишлар ишлаб чиқариш цехн барпо этилдн.

● Ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йилн мобайнида умумий майдонн 3,5 миллион квадрат метр бўлган уй-жой, 42,3 минг ўринли умумий таълим мактабларн, 11,7 минг ўринли мактабгача болалар муассасаларн, 2000 ўринли касалхоналар ва бошқа соцнад-маиший объектлар фойдаланишга топширилдн.

● Тошкент лак-бўёқ заводида кўп эмульсияли сув-эмульсия бўёқларн тайёрлаш технологиясн мукаффақиятли жорий этилдн. Бунда кўриладнган иқтисодий самара 10 миллион сўмдан знёдин ташкил этдн.

1983 йилдан берн корхонада Совет Иттифоқида дастлабки қадоқланган лак-бўёқ маҳсулотларинн зичловчи лкнна ишлаяптн.

● Мамлакатимизда биринчи марта Тошкентдаги экспериментал таксомотор автокорхонасида пропан-бутан газида ишлайдиган «ГАЗ—24» енгил автомобилларидан фойдаланила бошланди. Ҳозир бу ерда 240 тага яқин машина бор. Янги турдаги ёқилғи жорий этилиши натижасида корхонада 1978 йилдан берн 2 миллион сўмликдан знёд маблағ тежалдн.

● Ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йилн мобайнида 1844 мингта иҳтиро, рационализаторлик таклифи жорий этилиши натижасида 500 миллион сўмдан зкёд иқтисод қилиндн. 1-ўйсозлик комбинатининг б-темир-бетон буюмлари заводида Спивак, Роднонов, Бочаров, Куниципнлар яратган мослама жорий этилиши оғир қўл меҳнатнин механизациялаш имкониин берди.











ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ—ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА

● Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Эшонқуловнинг ҳаётн унутилмас воқеаларга бой. Шу боксдан ҳам у ёшларга ўз хотираларнн сўзлаб беришнн яхшн кўрадн. Яқинда В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билкм юртн курсантларн билан бўлиб ўтган учрашув қизғнқарлн ўтдн.

● Ўн бирннчи беш йиллик мобайнида Тошкент қиёфасн кескин ўзгарнб, янги-янги турар жой массивларн ва мнкрорайонлар қад кўтардн. Б. Хмельницкий кўчасида ҳам бир қатор янги бинолар қад ростладн. Шаҳар қиёфасн гўзаллашишига архитекторлар муносиб ҳисса қўшишмоқда. «ТашЗНИИЭП»нинг 1-устахонасида Ўрта Осиё шароитига мос келадиган турар жой бинолари қурнш устида лойиҳа ишларн олиб борнляптн.

● Мактаб ислоҳотн—умумий таълим жараёнини янада такомиллаштирнш босқичндир. Бугунги кунда ислоҳотнинг асосий вазифасн бўлган таълим-тарбиянн янада кучайтирнш, ўқувчиларда меҳнатга қизиқиш уйғотиш шаҳар мактабларида кенг амалга оширилмоқда.

● Янги-янги социалистик анъаналар ҳаётимиздан кенг ўрин олмоқда. Олтин ва кумуш тўйларнн ўтказиш одат тусига кирнб борялптн. Юбилярларнн фақатгина қарнндош-уруғларгина эмас, балки бутун маҳалла муборакбод этмоқда. Бундай кўнгилочар ўтказишларнинг спиртли ичимликларсиз ўтказилишига қарамай, доимо йиғилганларда самимий таассурот қолдирадн.

Т. Каримов, В. Молгачев, О. Шемаков ва А. Мнинн фотолари.

● Олимлар армуғони

ХАЗИНАЛАР—ХАЛҚ БОЙЛИГИ

И. ҲАМРОБОЕВ,

Ҳ. Абдуллаев номли геология ва геофизика институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати, геология-минералогия фанлари доктори, профессор.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида»ги докладида барча амалий фаолиятимизнинг жанговар программасини аниқ-равшан ифодалаб берди: **«Барча участкаларда, ҳамма ерда ва ҳар ишда коммунистлар гражданлик бурчини адо этиш, жамият манфаатлари йўлида виждонан меҳнат қилиш, ҳамма жойда ленинча иш услубини қарор топтириш намунаси бўлишлари керак».** Бу йўл-йўриқларни қатъий амалга ошириш ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир совет кишисининг шарафли бурчидир.

Совет халқимиз ҳозирги пайтда ривожланган социализм босқичини бошидан кечирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми олдимизга қўйган вазифаларни, беш йиллик якунловчи йилининг режаларини бажариш учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхши ишлашимиз, она-Ватан қудратини ошириш борасида ҳамма имкониятларни ишга солишимиз керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейинги пленумларида фан ва техникани жадал ривожлантириш, илм-фан ютуқларини халқ хўжалигига кенг жорий этиш, шу жумладан табиий бойликлардан олинадиган хом ашёлардан унумли ва тежаб-тергаб фойдаланиш масалалари ёритилди.

Ишлаб чиқариш потенциаллари ҳақида сўз борар экан, биз геологлар биринчи навбатда минерал хом ашёларини кўзда тутамиз. Булардан биринчиси— «Ер юзасига чиқмай, ер қучоғида яшириниб ётган (ёпиқ) конлар» топишнинг илмий асосларини яратиб бериш ва шу йўл билан ишлаб турган руда-кон корхоналарининг хом ашё базасини таъмин этишдир. Иккинчи муҳим масала— чиқитсиз технология барпо этиш асосида ишлаётган конлардан тўла— комплекс фойдаланиш масаласидир. Учинчи муҳим масала минерал конларнинг шу пайтгача маълум бўлмаган янги турларини кашф этиш ва халқ хўжалигида улардан кенг фойдаланиш тадбирларини кўришдир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг ижодкор ва ишчан коллективи ана шу масалаларни ҳал этиш, илм-фан ютуқларини халқ хўжалигига тадбиқ этиш борасида кенг кўламда иш олиб бормоқда.

«Фан ходимлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга талайгина ҳисса қўшишлари лозим, — дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленумида.— **Эндиликда илм-фан ривожланган социалистик жамиятнинг нафақат бевосита, шу билан бирга тобора актив қудратли ишлаб чиқарувчи кучига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда йирик илмий потенциал вужудга келтирилган. Ҳар йили илм-фанга салкам 100 миллион сўм маблағ сарфланмоқда».**

Биз, геолог олимлар Коммунистик партиямизнинг чексиз ғамхўрликларига жавобан илмий ечимларнинг юксак самарадорлигига эришиш учун, халқ хўжалигига кўплаб табиий хом ашё етказиб бериш учун барча куч-билимимизни, иқтидор ва малакамизни сафарбар этамиз, КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб меҳнат совғалари, меҳнат зафарлари билан кутиб оламиз. Ер ости хазиналари —халқ бойлиги, у халқ турмушининг фаровонлиги учун хизмат қилади. Биз геологларнинг аҳди ана шундай.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

20 МАЙ, 1985 й.

УЙҒУН—80 ЁШДА

БАҲОР ВА МУҲАББАТ КУЙЧИСИ

УЙҒУН: «ИЛҲОМИМИЗ, ИЖОДИМИЗ—ПАРТИЯГА, ВАТАНГА!»

(Давоми. Боши 1-бетда).

интиллигенцияси яхлит авлод сифатида шаклланиб бўлган эди. Шу авлод, яъни бизнинг авлоднинг зиммасига жуда катта масъулият тушди. Мамлакат бошига тушган оғир кунларда ўзбек шоир ва ёзувчилари қаламни қуролга айлантириб, кишиларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбияловчи, жасорат ва қаҳрамонликка ундовчи сўнмас сатрлар яратдилар. Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол!», «Жангчи Турсун» сингари шеърларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Бу сатрлар ўзбек шоирларининг уруш йиллари дастлабки кунларидаги юксак ватанпарварлигининг тимсоли сифатида бундан кейин ҳам яшайверишига ишонаман.

Уруш даврида ўзбек ижодий зиёлилари каби мен ҳам бутун имкониятимни немис-фашист босқинчилари устидан қозонилажак муқаррар ғалабага бахшида этдим. Бу йилларда «Зафар тароналари» (1942 йил), «Ғазаб ва муҳаббат» (1943 йил), «Шеърлар» (1944 йил) тўпламларини яратдим. Бу мажмуалар немис-фашистларнинг олчоқлигини, унинг фалокати яқинлигини, совет халқи ғалаба қозонишини чин юракдан сезган ҳолда вужудга келган тўпламлардир. Мен биринчи навбатда душманга нафрат туйғусини ифодаладим. Совет Иттифоқи халқлари дўстлигининг бетимсол қудратини куйладим. Зеро, эл-юрт бошига тушган ҳар қандай мусибат шоир юрагидан ўтади. Мен ўз умримнинг энг қизғин палласини Ватанимизга бостириб кирган немис-фашист босқинчиларига қарши курашга чорлаган шеърлар яратишга сарфлаганимдан то ҳануз ифтихордаман. Урушдан кейинги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган катта вазифалар, социалистик турмушимизнинг хилма-хил янгиликлари, каттадан-катта бунёдкорлик ишлари халқимизнинг яратувчилик қудрати —ҳамма-ҳаммаси мени тўлқинлантириди. Илҳомимга парвоз бахш этди.

— **Ижодкор шахснинг камол топишида ижодий ҳамкорлик жуда катта роль ўйнайди. Айниқса, рус ёзувчилари билан ўзбек адибларн ўртасида азалдан мустаҳкам дўстлик ришталари пайванд...**

— Ижодий ҳамкорликка мен ҳамиша катта аҳамият бериб келганман. Лекин ижодий ҳамкорликни юзаки тушунмаслик керак. Биринчи навбатда — Улуғ Ватан уруши даврида машҳур совет драматурги Николай Погодин, Ҳамид Олимжон ва Собир Абдуллалар билан ҳамкорликда яратилган «Ўзбекистон қиличи» музикали драмани айтиб ўтмоқ жоиздир. Бу музикали драма 1942 йилнинг 29 апрелида Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек Давлат опера ва балет театрида томошабинларга ҳавола этилди. Бу асарнинг саҳналаштирилиши ижодий ҳамкорлигимиз билан бир қаторда, халқлар дўстлиги, қардошлик ва бирдамликнинг мўътабар рамзига айланди. Бу асарни томошабинлар ҳақли равишда «Ватаннинг занглamас шамшири» деб баҳоладилар.

Мен, шунингдек, кўпгина ўзбек ижодкорлари сингари Николай Тихонов, Константин Симонов, Алексей Сурков, Николай Ушаков, Иван Ли, Максим Танк, Эди Огницвет сингари қатор рус, украин, белорус ёзувчилари, шоирлари билан яқиндан дўст эдим. Ҳозир бу ижодкорларнинг кўпчилиги йўқ. Лекин улар билан ҳамнафас ўтган йиллар, сермазмун суҳбатлар ҳануз кўз олдимда жилваланиб турибди.

— **Жамиятимиз кундан-кун ривожланмоқда. Ривожланиш жараёни, маълумки, ҳар бир совет гражданидан юксак масъулият ва интизомни талаб этади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми республика меҳнаткашлари, шу жумладан ижодкорлар олдига ҳам катта вазифалар қўйди. Шу ўринда отахон шоир сифатида ижодкор масъулияти хусусидаги мулоҳазаларингизни айтсангиз...**

— Биринчи навбатда — юксак гражданлик! Зеро, адабиётда юксак гражданлик кишиларни тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Айниқса, КПСС XXVII съезди арафасида ижодкорларимиз ижтимоий аҳамиятга эга бўлган асарлар билан китобхонларни хушнуд этишлари керак. Уларнинг чиқишлари яхши натижалар бермоқда. Лекин бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман: шоир-ёзувчиларимиз ўткир публицистик чиқишлар билан жуда кам кўриняптилар. Ҳолбуки, публицистика ижтимоий жанр сифатида уларга кўп нарсани очиб беришига ишонаман. Шу жамиятда яшар эканмиз, шу жамиятда камол топган эканмиз, демак шу жамиятнинг интилишлари бизнинг интилишимиз бўлмоғи керак. Бу ерда ёш ижодкорларга эътибор масаласини ҳам айтиб ўтиш керак. Зеро, ёшлар халқимизнинг олтин фонди. Уларни порлоқ келажагимизнинг юксак инсонлари сифатида камол топтиришимиз керак. Бугунги кунда ёшларимиз ғоявий жиҳатдан ҳам баркамол бўлишлари лозим. Чунки, улар яшаётган жамият социалистик жамият. Бу жамиятнинг келажаги — инсонпарварлик ва фаровонликнинг ёрқин тимсолидир. Бу жамиятдаги ҳаёт — менинг қувончим. Сенинг, унинг, умуман ҳаммамизнинг қувончимиздир.

УЙҒУН,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Миннатдор бўл, ўша одамдан

Бахтинг бормн, Ленинни ўйла,
Миннатдор бўл ўша одамдан.
Ўша барҳам берган зулмга,
Қулликни қувлаган оламдан.

Сургунларда юриб доҳиймиз
Ўйлар эди авлодлар бахтин.
Ишонч билан режа чизарди
Қулатмоққа золимлар тахтин.

Туғилажак авлод нчида
Ҳеч шубҳасиз биз ҳам бор эдик.
Бахтимизни ўйларди Ленин,
Туғилмаёқ бахтнёр эдик.

Октябрнинг зарбаси билан
Парчаланди золимлар тахти,
Тонги отиб янги дунёнинг,
Меҳнаткашнинг порлади бахти.

Бахт дарёси мавж уриб оқди,
Ленин эди дарёга мироб.
Ўша доҳий обн ҳаётга
Ташналарни қилолди сероб.

Бахтлимисан, Ленинни ўйла,
Миннатдор бўл ўша одамдан.
Ўша барҳам берган зулмга,
Қулликни қувлаган оламдан.



Тонг

Тонг қизи кулимсираб юзини очди,
Олтин денгизларн кўк узра тошди,
Боғларда чечаклар атирлар сочди,
Кўкдаги юлдузлар уялиб қочди.

Туманга ўралиб йўқолди уйқу,
Ҳар ерда бир гўзал умидли туйғу.
Ҳар дилда очилди шодлик чечаги,
Борлиқда қолмади ҳасрат ва қайғу.

Тонг ели ўйнаган қанотин ёзиб,
Тебраниб, чайқалиб очилди гуллар.
Нур сочиб чиққанда янги кун кулиб,
Янгратди боғларни сайраб
булбуллар.

Коннот гулларн яна яшнади,
Жонлилар уйғонди, қўзғалди, юрди,
Ҳаёт ўлкасининг юмшоқ шамоли,
Шодлик гулларини борлиққа бурди.

Нурларга кўмилгай чечаклар, боғлар
Ҳар ерда севинчлар, тонготар
чоғлар.



Садолар

Тонг билан уйғотар мени садолар,
Тўп ёки бомбанинг садоси эмас —
Буюк ниятлар, тинч қурилишнинг
Шонли садолари! Кўзни очсам бас,—

Улуғ Ватанимдан юксалган ҳар бир
Садо юрагимга шодлик солади.
Эзгу садоларининг ҳаяжонларн
Бутун вужудимни қоплаб олади.


Кремль соати урар, бахтли
Ватандошларимнн олқишлаб тонгда,
«Говорит Москва!»—дейди радио
Бир олам янгилик яратиб онгда.

Тинчлик қўшиқлари, ғалаба маршн
Қудрат бағишлайди шеърига, тилга.
Бутун ўлка бўйлаб юк ташиётган
Паровозлар товуши ёқади дилга.

Тонгда ишчиларни ишга чақирган
Баланд заводларнинг гудоклари соз!
Қулоққа хуш келур пахтазорлардан
Меҳнатнн улуғлаб янграган овоз,

Йигитлар ялласи, қизлар қўшиғи,
Мени бенҳоя мафтун қилади.
Волга-Донда сузган пароходларнинг
Садоси ёқимли эшитилади.

Шонли Авроранинг машҳур наъраси,
Октябрь қўшиғи қулоқда ҳамон.
Бу кунниинг бахтиёр овозини тинглаб
Умидвор боқаман келажак томон.



Тинчлик мадҳияси

Шу гўзал Май тонги зўр мароқ
билан
Гуллаган боғларга ташлайман назар.
Гўзалликни инкор этувчилардан —
Нур душманларидан қиламан, ҳазар.

Ахир, биз инсонмиз, ҳаёт, гўзаллик,
Нур, тинчлик биз учун ғоят
мўътабар.
Бизни қувонтирар ҳар очилган гул,
Ҳар бир унган чигит, ҳар бир
хушхабар.

Шул сабаб ғарбдан баъзи бир аблаҳ
«Уруш» деб вайсаса жўшар ғазабим.
Жаҳон тинчлигига хавф солса бирор,
Ҳақсизлик юз берса қололмайман
жим!

Қалбимга ҳаяжон, ташвиш солади
Кекса Африкада тўкилган қонлар,
Саҳройи Кабирда портлаган атом,
Турмаларда ётган бегуноҳ жонлар.

Шу важдан кўзларим хушёр боқади,
Тинчлик мадҳияси тилимда достон.
Тинч жодимизлан инсонларга бахт,
Тинч меҳнатимиздан олам гулистон.

Мен тинчлик ҳақида қўшиқ айтаман,
Булбул гул ишқида куйлаганидай.
Мен дейман: яшасин саодат, ҳаёт
Ва тинчлик байрами бизнинг гўзал
Май.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

Бизнинг фотоархивимиздан

ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛ МУҚАДДАМ

Архив суратларини Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси МИРМУҲСИН шарҳлайди:

— 1951 йили олинган ушбу фотосуратни мен ноёб деб аташдан қўрқмаган бўлардим. У ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунлари Москвада олинган.



Урушдан кейинги давр фақатгина халқ хўжалигини тиклаш даври бўлган эмас. Юксак кўтаринкилик мамлакатимиз маънавий ҳаётининг барча соҳаларида сезилиб турилади. Ўзбекистонда адабий жараённинг олдинги сафларида Ғафур Ғулом, Ойбек, Комил Яшин, Ҳабибий, Собир Абдуллалар турадн. Санд Аҳмад, Асқад Мухтор, Лазиз Қаюмов, Туроб Тўла, Александр Удалов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулом каби сўз усталари маҳсулдор ижод қилишади. Ва шубҳасиз уларнинг ичида энг кўзга ташланганларден бири Уйғун эди. Москвада унинг ижоднни яхши билишар ва севишарди. Уни ва делегациямизнинг бошқа аъзоларини мамлакатимиз машинасозларининг байрокдори бўлган ЗИСда, машҳур «Трехгорная мануфактура»да, Москвадаги ва Подмосковьедаги кўплаб бошқа корхоналарда жуда илиқ кутиб олишди. Худди шу пайтда Москвада кўпгина ўзбек авторларининг китоблари чоп этилди. Александр Фадеев, Александр Твардовский, Алексей Сурков, Константин Симонов, Николай Тихонов, Георгий Марков каби атоқли совет ёзувчилари делегациямиз билан учрашиб, қизғин суҳбатлар қурди. Бу ҳақиқий халқлар дўстлиги байрами, Ватанимиз пойтахтида адабиёт ва санъат байрамига айланган эди.

Биз группа бўлиб тез-тез китобхонлар билан учрашувларга чиқар ва ҳаммамиз бир йиғилишиб ўтиришган пайтларимиз оз бўларди. Лекин шундай учрашувлар ҳам бўлган. Мисол учун Москвада олинган ушбу сурат. Мен ҳаяжон билан унга тикиламан. Унда кўп миллатли совет адабиётининг атоқли адиблари сиймосини кўраман.— Комил Яшин, Уйғун, Ойбек, Назир Сафаров, шунингдек Москва сафари жуда катта шараф бўлган, ижодий тақдирида муҳим роль ўйнаган ҳали ёш қаламкаш—мен ҳам борман.



● Наманган областидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз оқсоқоллари ўзбек совет адабиётининг оқсоқоли билан суҳбатда (юқоридаги сурат).



● Унгдаги суратда икки машҳур сўз устаси, икки халқ номзоди, икки дўст— Уйғун ва Берди Кербобоевларни кўриб турибсиз. Уйғун қадрдон дўсти ва ҳаммаслаги хотирасини бир умр юрагида асраб келади.

С. Маҳкамов фотоси.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Бой ҳаётий тажриба, олижаноб мақсадларга садоқат, асарларининг юксак бадиийлиги Уйғунни кўпмиллатли адабиётимизнинг олдинги сафига олиб чиқди, халқ ҳурматига сазовор бўлишини таъминлади.

Николай ГРИБАЧЕВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

●

Уйғуннинг эзгулик, сўнмас ижодий илҳоми билан ёзган шеърлари бизга яна севинч бахш этаверади.

Вадим КОЖЕВНИКОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

●

Ўзбекистондай табаррук замннинг таниқли куйчиси, жонажон Украинамнинг садоқатли дўсти, ажойиб коммунист, шоир-драматург Уйғун совет халқларининг барчасига баравар шодлик келтирувчи асарлари билан хушнуд қилаверади.

Микола БАЖАН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

●

Уйғун ҳаётида улкан байрамлар кўп. Оқил ва толмас илҳом париси унинг шеъриятини байрамга айлантираверади.

Степан ШЧИПАЧЕВ.

●

Уйғун — мумтоз шоир, хассос, забардаст ижодкор. Чунки у халқни севади, унинг меҳнатини ўз асарларида тараннум этиб қадрлайди, эъзозлайди, юксакка кўтаради.

Комил ЯШИН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

● Экспозициялар ҳикоя қилади

Устоз шоирга бағишланади

Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, драматург, олим ва жамоат арбоби, устоз санъаткор Уйғун сермаҳсул ижодкорларимиздан ҳисобланади. Уйғун ўзининг ярим асрдан ортиқроқ ижоди давомида ўлмас асарлар яратиб, халқимиз ҳурматига сазовор бўлиб келяпти. Унинг ҳаёти ва ижодини ўзида акс эттирган экспозиция адабиёт музейи «Ўзбек совет адабиёти» бўлимининг учинчи залидан ўрин олган.

Уйғун 1927 йилда Самарқанд Педагогика академиясида ўқиб юрган кезларида Миртемир, Ҳамид Олимжон, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат каби истеъдодли ижодкорлар билан яқиндан алоқада бўлди. Шеърлар ёзиб, вақтли матбуот саҳифаларида актив қатнашиб турди. Совет воқелигидаги катта ўзгаришлар унинг ижодига баракали таъсир кўрсатди. Уйғун совет кишиларининг янги ҳаёт учун олиб борган курашларини тўлқинланиб куйлади. 1924 йилда унинг биринчи шеърий тўпламн— «Баҳор севинчлари» босилиб чиқди. Шундан кейинги ўтган даврларда шоирнинг «Иккинчи китоб», «Ҳикоялар», «Пьесалар», «Ғазаб ва муҳаббат», «Муҳаббат», «Ҳаёт ишқи», «Ҳуррият», «Танланган асарлар» ва яна бир неча ўнлаб китоблари нашр этилди. Виториналарда шу китобларнинг нашрлари қўйилган бўлиб, улар томошабинларда ижодкорга бўлган меҳр-муҳаббатни оширмоқда.

Экспозициядаги материалларнинг бир қисмини фотосуратлар ташкил этади. Бу суратларда Уйғун ҳаётининг турли вақтлари ўз аксини топган. Уларнинг баъзиларида Уйғун Берди Кербобоев ҳамда Зулфия, С. Михалков, Ғ. Ғулом каби ижодкорлар билан қизғин ижодий мунозара қилиб турган бўлса, бошқа суратларда у қаламкаш дўстлари билан талабалар ҳузурида эканлиги ва Н. Сафаров, И. Раҳим, Қ. Муҳаммадий каби ёзувчилар даврасида турган пайти муҳрланган. Суратлар муҳим тарихий ҳужжатлар бўлиб, шоир ҳаёти, ижоди ва ижтимоий-сиёсий фаолиятининг айрим қирраларини томошабин кўз олдида гавдалантиради.

Бир сўз билан айтганда, сермаҳсул ижодкор Уйғун ўз асарлари билан адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бундан кейин ҳам, устоз санъаткордан янги асарлар кутиб, унга саломатлик ва ижодий бахт тилаймиз.

Б. ВАЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!
СССР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МУЗЕЙИ ЗАЛИДА
(Ленин проспекти, 4 «а» уй)
21-30 МАЙ КУНЛАРИ
ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ
КЎРГАЗМА ҲАР КУНИ СОАТ 11 ДАН 19.00 ГАЧА ОЧИҚ.
Дам олиш куни — якшанба.
КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ КУНЛАРИДА МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА НАШРИЁТЛАРИ ҲАМДА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР НАШРИЁТЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР САВДОСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.
КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
«УЗКНИГОТОРГ»

ТОШКЕНТ «ПРИБОРИ» САЛОНИ
21-23 МАЙ СОАТ 10.00 ДАН 14.00 ГАЧА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА
«Илмий-тадқиқот ишларида ва саноатда қўлланиладиган мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги замонавий хроматографик ва масспектрометрик аппаратура.
«НефтехимСКЭП» саноат хроматографи» мавзуида.
СЕМИНАР ЎТКАЗАДИ
ДОКЛАДЧИЛАР: Москва «Манометр» ишлаб чиқариш бирлашмаси, ВНИИХром, Орлов «Научприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Нальчик «Севкавэлектроприбор» заводи, Киев «Аналитприбор» заводи, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети, Тошкент сейсмология институтининг мутахассислари.
СЕМИНАР ҚАТНАШЧИЛАРИ СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ.
Семинар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси базасида ўтказилади: Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 6-уй.
Справкалар юзасидан қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинсин: 78-02-38, 78-40-43.

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси
С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ 2-ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985—86 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Билим юрти ўрта маълумотли фотонабор электрон қурилмаларида ишловчи оператор, корректор-наборчи, офсет босма печатниклари, линотипчи, ҳарф терувчи, печатник ва муқоваловчилар таййрлайди.
Билим юртига 15-18 ёшдаги 8—10 синфни тамомлаган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.
Билим юртини тамом қилганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом оладилар.
Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.
10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати бир йил, улар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.
Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтларига, Тошкент тўқимачилик институтининг полиграфия бўлимига ўқишга юборилади.
ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Зарур бўлганларга ётоқхона берилади.
ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см.).
Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси).

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
А. АБДУРАҲМОНОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ
21 МАЙ СОАТ 10.00 ДА ТЕХНИКУМГА КИРИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР УЧУН
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ: тикувчилик фабрикалари ускуналари, чарм пойафзал ва мўйна ишлаб чиқариш корхоналари ускуналари, тикувчилик ишлаб чиқариши, чарм технологияси, чармдан тайёрланган буюмлар технологияси, трикотаж ишлаб чиқариши; енгил саноат корхоналарида планлаштириш, пойафзални моделлаштириш ва чармни бадиий безаш, кийим-кечакни моделлаштириш ва конструкциялаш.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 26-уй. - Телефон 33-40-89.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ЭЛЕКТРОТЕХНИКА-МЕДИЦИНА ТЕХНИКУМИ
1985 йил 25 май ва 14 июнь соат 10 дан 14.00 гача техникумга кириб ўқишни ҳохловчилар учун
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ
Адрес: 700107, Тошкент шаҳри, Нурхон кўчаси, 16-уй (50, 54, 70, 80-автобуслар, 7, 16-троллейбуснинг «16-поликлиника» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон Информация агентлиги коллективи ЎзТАГ редактори С. Алимовага онаси
Назира САЛИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/V да **Тоҳир ва Зуҳра**, 22/V да **Бир актли балетлар** кечаси.

кино

20, 21 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» (2 серияли)— **Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 13.30, 16 18.30, 20.45; телефон 46-70-69).
«ҚОРА КАЛХАТ» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).
«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА»— **Тинчлик** (тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-24-02), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).
ҚИШЛОҚИ ҚИЗ» —**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).
«БЕҒАРАЗ» — **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).
«ДИСКО РАҚҚОСИ» (2 серияли) — **Хива** (21.30).
«ПРОХИНДИАДА ЁКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92).
«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда).
«СЕВГИ АФСОНАСИ» (2-серияли) — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

Главташкентстрой 153-қурилиш тресги 12-қурилиш бошқармаси касаба союз комитетининг йўқолган
ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ.
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Октябрь райпишчеторги 68-магазинининг йўқолган
ТЎРТ БУРЧАКЛИ ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).
БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42;
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р—12267. **Индекс 64690.** **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**